




# Хуқуқбузарликлар профилактикаси:

## ислоҳот, натижа ва истиқбол

Истиқлолга эришгач мамлакатимизда жиноят содир этилганидан сўнг айбдорларни фош этиш ва жазолаш, жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашдан кўра жиноятларнинг олдини олган маъқуллиги эътироф этилиб, суд-хуқуқ соҳаси ислоҳ қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-қарори билан маҳаллий ҳокимиятларда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш комиссиялари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссиялари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилди.

Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори асосида пойтахтда бошланган ислохотлар Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2822-фармони асосида бутун республика ички ишлар органларида амалга оширилди. Шу тариқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги тизими яратилди. Участка инспектори ўрнига профилактика инспектори лавозими жорий қилинди. Бугунги кунга келиб ҳар бир маҳаллада биттадан инспекторнинг фаолият юритиши йўлга қўйилди.

2014 йил 14 май куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ислохотларни навбатдаги босқичга олиб чиқди. Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсад ва вазифалари, субъектлари ва уларнинг ваколатлари, умуман олганда, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги позицияси ўз ифодасини топди.

Шундан сўнг ушбу соҳадаги фаолият доираси кенгайди. Эндиликда жиноятларнинг эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш белгилаб олинди. «Ҳуқуқбузарлик» тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларга қайси турдаги профилактик таъсир чораларининг қўлланиши, жабрланувчи виктимлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш механизми яратилди. Ушбу йўналишда ҳукуматдан то энг қуйи бўғин бўлмиш маҳалла идораларигача профилактик вазифалар тақсимланди.

Бироқ кутилган натижага эришиш қийин кечди. Шу боис Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланмаётгани, давлат идоралари кўпинча ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, унга етарлича эътибор қаратмаётгани, шунингдек профилактикага комплекс ёндашилмаётгани танқид қилинди.

Мазкур қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ҳокимиятлар, бошқа ташкилотларнинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Ушбу соҳага доир фаолиятнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Қарор асосида пайшанба «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» деб белгиланиб, кенг қамровли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-қарори билан фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш тартиби белгилаб берилди.**

2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-қарори қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3786-қарори билан пойтахтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда уларнинг ҳамкорлиги таъминланиб, «Хавфсиз пойтахт» концепцияси тажриба тариқасида татбиқ этилди.

Мазкур концепция асосида соат 16:00 дан 8:00 га қадар ички ишлар органлари, Миллий гвардия жамоат тартибини таъминлаш кучлари-

нинг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш орқали уч смена-ли патруль режими йўлга қўйилди. Бу амалиёт-ни босқичма-босқич республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш чоралари кўрилди ва «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилди.

Республикада жамоат хавфсизлигини таъминлашга жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларини сафарбар қилиш, уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида 2018 йил 24 декабрда Ўзбекистон Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4075-қарори қабул қилинди. Унга асосан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозими тугатилиб, иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмларини сақлаб қолган ҳолда, бўшаётган штатлар ҳисобидан профилактика (катта) инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

Қарорда ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини тузиш бўйича Тошкент шаҳри тажрибасини республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этиш белгиланди. Қарор ижроси юзасидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2019 йил 6 февралдаги қарори билан «Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамғармалари тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Молия вазирлигининг 2019 йил 15 февралдаги қарори билан «Фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамда фуқароларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Унда рағбатлантириш тартиби, мезони, рағбатлантиришнинг шакл ва миқдорлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилди.



## ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА:

**Биринчидан,** жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг иштироки таъминланиб, мамлакатимизда умумий жиноятчиликни камайтиришга эришилди. Жумладан, умумий жиноятчилик олдинги йилга нисбатан 2017 йилда 14 фоиз, 2018 йилда 36 фоиз ва 2019 йилда 6 фоиз камайди.

**Иккинчидан,** ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди.

**Учинчидан,** профилактик чораларни тезкор ва яқдиллик билан амалга оширадиган профилактика субъектлари тизими шакллантирилди.

**Тўртинчидан,** мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки жамиятнинг устувор вазифаси эканлиги белгилаб олинди.

Бу ишга инновацион технологияларни татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Профилактика субъектлари доираси кенгайтирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун (2019 йил 2 сентябрь) эса хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга йўналтирилди.

Республикаимизнинг катта шаҳарлари, хусусан, Тошкент шаҳрида интеллектуал камера-лардан фойдаланилиши нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва қидирувдаги шахсларни ушлашда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

2020 йил 18 февраль куни Ўзбекистон Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институти янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5938-фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил қилинди ва ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» таъминоти асосланган янги тизим жорий этилди.

Вазирлик оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.



Қарор билан ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини тузиш бўйича Тошкент шаҳри тажрибасини республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этиш белгиланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида бир қатор лавозимлар тугатилиб, фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ва ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис, раиснинг ёшлар масалалари бўйича, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилди.

Фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш профилактика катта инспектори, ушбу лавозим бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилади.

Эндиликда ҳар бир маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда камида биттадан профилактика инспектори бўлади. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

**Шунча иш қилинганига қарамасдан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу борада қуйидагилар таклиф этилади:**

- ① Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир барча қонунларни ягона қонунга жамлаш.
- ② Ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишнинг ҳуқуқий механизминини такомиллаштириш.
- ③ Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминловчи миллий концепцияни яратиш.
- ④ Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий асосларини ривожлантириш.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**  
юридик фанлар доктори, профессор.  
**Абдулазиз РАСУЛЕВ,**  
юридик фанлар доктори